



2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ Қўллаб-қувватлаш йили

Assalomu alaykum, azizlar!

BESHARIQ TONGI

Gazeta 1932 yil 15-maydan chiqqan boshlagan.

2024-YIL 27-YANVAR
SHANBA, №4 (9093)

(Bahosi kelishilgan narxda)

Beshariq tumani
hokimligining ijtimoiy-
siyosiy nashri

Gazeta haftada
bir marta chiqadi

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ҚОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Мамалакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, аҳоли тўғрисида тўла ва ишончли маълумотга эга бўлиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2020-йил 16-мартдаги “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги ЎРҚ- 611-сонли қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунга асосан аҳолини рўйхатга олиш жараёни даврийлик-аҳолини рўйхатга олиш ўн йилда камида бир марта ўтказилиши, умумийлик ва бир пайтдалик-аҳолини рўйхатга олишнинг ягона белгиланган санасида шахсга доир маълумотларни барча респондентлардан йиғиш Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида бир пайтнинг ўзида амалга оширилади, рўйхатга олишнинг якка тартибдалиги-шахсга доир маълумотлар йиғилаётганда рўйхатга олиш варағи ҳар бир респондент учун якка тартибда тўлдирилади, шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги-аҳолини рўйхатга олишнинг шахсга доир маълумотлари махфий бўлиб, респондентнинг розилигисиз ошкор этилмайди ва тарқатилмайди, аҳолини рўйхатга олишни бошқаришнинг марказлаштирилганлиги—Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, аҳолини рўйхатга олишни ягона бошқарув тизимини яратиш асосида марказлаштирилган ҳолда амалга оширилиши каби тамойилларига таянади. Бундан ташқари мазкур қонуннинг 3-моддасига асосан,

аҳолини рўйхатга олиш—Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида ўтказиладиган, белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгилловчи шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёни,

аҳолини рўйхатга олиш санаси—аҳоли тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва ҳисобга олиш амалга ошириладиган аниқ пайт (йил, ой, кун ва соат),

респондентлар — аҳолини рўйхатга олиш санасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин аҳолини рўйхатга олиш санасида унинг ҳудудидан ташқарида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари,

рўйхатга олиш варағи — кўрсатилган саволлар бўйича шахсга доир маълумотларни ёзиб олиш учун белгиланган шаклдаги бланка,

рўйхатга олиш ҳужжатлари — аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнига тааллуқли ҳужжатлар мажмуи,

рўйхатга олувчи ходимлар — Ўзбекистон Республикасининг аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўришга ва уни ўтказишга жалб этилган, махсус ўқувдан ўтган вояга етган фуқаролари,

уй хўжалиги — битта турар жойда ёки унинг бир қисмида биргаликда яшайдиган, ўзини яшаш учун барча зарур нарсалар билан таъминлайдиган, умумий хўжалик юритадиган, пул маблағларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирадиган ва сарфлайдиган шахслар йиғиндиси. Бу шахслар қариндошлик муносабатларида бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Уй хўжалиги битта шахсдан иборат бўлиши мумкин каби асосий тушунчалардан иборатдир.

Ф. ДАВЛАТОВ туман
статистика бўлими бошлиғи

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР БИРДАМЛИГИ

Озарбайжон Республикасида Ўзбекистон фани ва маданияти кунлари бўлиб ўтмоқда.

ФАН ВА МАДАНИЯТ АНЖУМАНИ

24 январь куни Озарбайжон Миллий фанлар академиясининг Муҳаммад Фузулий номидаги Қўлёзмалар институтида Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти ташаббуси билан “Ўзбекистон – Озарбайжон: маданиятлар мулоқоти” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ҳар икки мамлакатнинг қатор олимлари ва мутахассислари, тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатлари қаторида Озарбайжондаги бир қанча музей ва кутубхоналар, илмий марказлар билан ҳамкорлик қилиб келади. Бутунжаҳон жамияти томонидан ҳар йили мунтазам ўтказиб келинаётган конгресс ва анжуманларда Озарбайжон олимлари фаол иштирок этиб келмоқда.

ЎЗА

Бунда, асосан, тумандаги “оғир ҳудуд”, дея белгиланган маҳаллалардаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга қўмаклашишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Республика ишчи гуруҳи туман сектор раҳбарлари ҳамроҳлигида шу тоифадаги маҳаллалардан Намуна, Маърифат ва Телов МФЙларида бўлиб, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли, инфратузилма, “маҳалла еттилиги” фаолияти билан яқиндан танишди. Маҳаллаларда аҳоли, айниқса, аёллар ва ёшлар бандлиги, тадбиркорликни ривожлантириш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш каби муҳим вазифалар ижроси кўздан кечирилди. Ўрганишлар давомида “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари самарадорлиги билан танишилди. Маҳаллаларда, нуронийлар ва фаоллар, ёшлар билан юзма-юз мулоқотларда мавжуд муаммолар тингланди, уларни ижобий ҳал этиш юзасидан аниқ ва манзилли чоралар белгиланиб, ижрога қаратилди.

Ўрганишлар мобайнида Намуна маҳалла фуқаролари йиғини ҳудудидаги Намуна кўчасида яшовчи фуқаролар томонидан йўлларни шағаллаш борасида қилинган мурожаат ишчи гуруҳ ҳамда сектор раҳбари томонидан тингланди ва ижобий ечимга йўналтирилди. Ойдин кўчасида яшовчи Т. Аҳмедова экин ерини сўғориш учун янги ариқ қазишда амалий ёрдам кўрсатилишини сўраб мурожаат қилди. Муаммо унинг хонадонига кириб жойида ўрганилди ва ишчи гуруҳ томонидан керакли маслаҳатлар берилди. Шунингдек, Телов маҳалла фуқаролари йиғини ҳудудидаги Истиқлол кўчасида истиқомат қилувчи У. Усмонова кўчани шағаллаш масаласида

Унда сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг ўринбасарлари, прокуратура ва ички ишлар бўлими ходимлари, маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари ҳамда кун тартибига дахлдор ташкилот ва муассаса мутасаддилари иштирок этди.

Йиғилишда ўтган 2023 йил давомида туманда умумий жиноятчилик ҳолати, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокама қилинди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида 2023 йилдаги ҳолат танқидий таҳлил этилди.

РЕСПУБЛИКА ИШЧИ ГУРУҲИ - ТУМАНИМИЗДА



АҲОЛИ МУАММОЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Туман маҳаллаларида аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, бандликни таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, маънавият ва маърифат, ёшлар тарбияси каби йўналишларда олиб борилаётган ишлар Республика ишчи гуруҳи томонидан ўрганилмоқда.

кўмак сўради. Мурожаат амалий ҳал этилди.

Республика ишчи гуруҳининг ўрганишлари Абдувай, Янгиқўрғон ва Янги Қашқар маҳалла фуқаролари йиғинларида давом эттирилди. Туман сектор раҳбарлари билан биргаликда дастлаб ушбу ҳудудлардаги “маҳалла еттилиги”нинг фаолияти самарадорлиги ўрганилди.

Маҳалла фаоллари, нуронийлар билан суҳбатларда аҳолини қийнаб келаётган масалалар, хусусан, инфратузилма билан боғлиқ муаммолар аниқланди. Ушбу маҳаллаларни “оғир ҳудуд” тоифасидан чиқариш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, аҳолининг ҳар бир мурожаатини ижобий ҳал этиш юза-

сидан манзилли “йўл хариталари” тузилиб, вазифаларнинг аниқ ижро муддати ва масъуллар рўйхати шакллантирилди.

Тиббий хизматни янада яхшилаш ва жиҳозлар билан таъминлаш борасидаги муаммолар ҳам ишчи гуруҳ эътиборида бўлди.

Савол ва таклифларнинг асосий қисми соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинига тааллуқли бўлиб, кўптармоқли поликлиника ходимларини ҳозирда қийнаётган масалаларга эътибор қаратилди.

СУРАТДА: ишчи гуруҳ фаолиятидан.

Д. РАҲМОНОВА
олган сура

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Туман ҳокимлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ишини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Жиноятчиликнинг аҳоли ва олдини олиш чоралари бўйича туман ҳокими Р. Жўраев, прокурори Ш. Ҳотамов, ИИБ бошлиғи Р. Махсудовлар маърузалари тингланди.

Йиғилишда масъул ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан қўшимча чоратadbирлар белгиланиб, ижроси қатъий назоратга олинди.



2024 йил – Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ – ҚАТЪИЙ ЭЪТИБОР ВА НАЗОРАТДА



Туманда 238 478 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 14-30 ёшлилар 59 621 нафарни (25 фоиз) ташкил этади.

2024 йилнинг 1 январь ҳолатига “Ёшлар дафтари”га жами 3081 нафар ёшлар киритилган. 2564 нафар ёшларга турли ёрдамлар кўрсатилиб, дафтардан чиқарилди.

Бугунги кунда “Ёшлар дафтари”да жами 517 нафар ёшлар мавжуд.

2023 йилнинг 12 ойи давомида ёшларга 22 турдаги ёрдамлар берилиши натижасида 596 нафарига “Ёшлар дафтари” жамғармаси ҳисобидан, жами 1 млрд. 384 млн. сўмлик амалий ёрдамлар кўрсатилди. 517 нафар ёшлар 2024 йил биринчи чораги якунигача ёрдам кўрсатиш ва бандлигини таъминлаш орқали дафтардан чиқарилади. Жумладан, “Ёшлар дафтари”даги ёшларнинг 230 нафари иш билан таъминланади. 33 нафарига асбоб-ускуналар ва меҳнат қуроллари олиб берилади. 19 нафари тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўқитилади. 31 нафарига ижара асосида ер майдони ажратилади. 57 нафарининг тадбиркорликка жалб қилиш орқали бандлиги таъминланади.

Шунингдек, 196 нафар ёшларнинг тўлов-контракт суммалари тўлаб берилади. 13 нафарининг сафарбарлик қақруви резервидаги хизматни ўташ бадали тўланади. 30 нафарининг замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологияларини ўрганиши ва хорижий тилларга ўқитилиши таъминланади. 13 нафари илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олти ойгача муддатли ўқув курсларига жалб этилади. 14 нафарининг мамлакатда ёки хорижий давлатларда давлат билан боғлиқ харажатлари “Ёшлар дафтари” жамғармаси ҳисобидан тўлаб берилади.

“Ёшлар дафтари” жамғармаси ҳисобида 2024 йил 1 январь ҳолатига жами 1 млрд. 384 млн. сўм маблағ шаклланди. Яъ-

Президентимиз ташаббуси билан 2024 йил – Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили, деб эълон қилингани айни муддао бўлди. Чунки ёшлар – улкан куч. Ватанимиз келажаги бугун боғча ва мактабларда, олий ўқув даргоҳларида таълим-тарбия олаётган ёш авлод қўлидадир. Уларни буюк келажакнинг муносиб ворислари этиб камол топтириш бизнинг муҳим ва биринчи галдаги вазифамиз ҳисобланади.



ни жамғармада йил бошига 396 млн. сўм қолдиқ маблағ бор эди. Маҳаллий бюджетнинг ортирилган қисмидан (15 фоиз) жами 143 млн. сўм ажратилди. Утган йиллар эркин қолдиқ маблағларидан 93 млн. сўм, иккинчи чорада 50 млн. сўм ажратилди. Бундан ташқари, МИБ дан 838 млн. сўм келиб тушди. Бу маблағ Президент фармони асосан берилган. 2023 йил давомида 1.386 млрд. сўм маблағ шакллантирилган бўлиб, жорий йилнинг ҳозирги кун ҳолатига 1.240 млрд. сўм маблағ сарф этилди. “Ёшлар дафтари”да жараёнда турган 517 нафар ёшларга кўмак кўрсатиш учун 330 млн. сўм маблағ керак бўлади.

Туман “Ёшлар баланси” платформасида, жами шакллантирилган баланс 59 621 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг тўртинчи чорагида ўтказилган хатлов натижаларига кўра 59 621 нафар 14-30 ёшли ёшлар бор. Ҳозирда “Ёшлар баланси”да тўлиқ якунланган сўровномалар 59 111 тани, якунланмаган сўровномалар 510 тани, таҳрирланиши керак бўлган сўровномалар эса 214 тани ташкил қилади.

Республика комиссияси тасдиқлаб берган режага мувофиқ 5-25 январь кунлари “Ёшлар баланси”ни шакллантириш ишлари давом эттирилмоқда. Ҳозирда хатлов прогноз режаси, яъни 59 621 тага нисбатан 18 фоиз кўрсаткичда кетмоқда.

2023 йил бошидан доимий ишга жойлаштирилган ёшлар 1265 нафарни, жамоат ишларига жойлаштирилган ёшлар 170 нафарни ташкил қилди. Имтиёзли кредит ажратилган ёшларнинг 165 нафарига ижара асосида 33 га. ер майдонлари ажратилди. 108 нафар ёшлар касб-ҳунарга, 108 нафари тадбиркорликка ўқитил-

ди. Йил бошидан ўзини ўзи банд қилган ёшлар 742 нафарни ташкил қилди.

Ўтган йилда умумий ўрта таълим мактабларини, жами 2377 нафар ёшлар битирди. Уларнинг 245 нафари муддатидан олдин олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди. Ўтказилган сўровномаларга кўра, 2377 нафар ўқувчилардан 943 нафари олий таълим муассасаларида, 170 нафари касб-ҳунар коллежлари ва техникумларда ўқиш, 37 нафари ҳарбий хизматга бориш, 65 нафари тадбиркорлик билан шуғулланиш, 170 нафари касб-ҳунар ўрганиш истагини билдирган.

Туманда ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида, жами 5744 нафар ёшлар учун бандлик дастури ишлаб чиқилган. 2023 йил якуни бўйича жами 5466 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланди. Бу умумий ҳисобда 93 фоизга бажарилди.

Ёшларнинг 28663 нафарини яшил (банд бўлган), 30958 нафарини сариқ (уюлмаган) ҳамда 1828 нафари қизил (91 нафари пробация назоратидаги, 49 нафари профилактик ҳисобидаги, 54 нафари ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган, 604 нафари миграциядан қайтган, 63 нафари нотинч оила фарзандлари, 96 нафари оилавий ажрим ёқасидаги, 25 нафари мунтазам дарс қолдирувчилар, 4 нафари гиёҳванд ва психотроп модда истеъмол қувувчилар, 574 нафари ногиронлиги, 249 нафари сурункали касаллиги мавжуд, 19 нафари меҳрибонлик уйи ва оилавий болалар уйлари ҳамда SOS болалар маҳаллалари тарбияланувчилари) тоифаларга бўлинган. Бу тоифадаги 1828 нафар ёшларга 80 нафар масъул раҳбарлар бириктирилиб, уларнинг муам-

мосини ўрганиш бўйича ишлар ташкил этилди. Мазкур жараёнда 1828 нафари билан ўрганиш тадбирлари ташкиллаштирилди. Шундан 1714 нафари билан индивидуал, 63 нафари билан учрашувлар ўтказилди. Масъуллар билан учрашувларда ёшлар томонидан кўтарилган 1650 та муаммолардан 1601 таси (97,3 фоизи) ҳал қилинди.

Туман сектор раҳбарлари томонидан 940 нафар ишсиз ёшлар-



нинг бандлигини таъминлаш тадбирлари сўст олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 92 сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, ёшлар етакчилари томонидан уюлмаган ёшлар бўш вақтини мазмунли ташкил қилишга қаратилган 489 та маданий тадбирларда 13714 нафардан зиёд ёшлар қатнашди. 331 та интеллектуал ўйин ва мусобақалар ўтказилди. Уларда 7248 нафардан зиёд ёшлар иштирок этди. Жами 1119 та спорт мусобақалари ўтказилиб, 27427 нафардан зиёд ёшлар қатнашди. 148 та ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари бўлди. Бу тадбирларда 3287 нафардан зиёд ёшлар иштирок этди.

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида 29 241 нафар маҳалла ёшлари (шундан 14 050 нафари аёл ва қизлар) оммавий спорт мусобақалари ва танловларда иштирок этиш учун платформадан рўйхатдан ўтди. Мусобақалар 7-10, 11-15, 16-21, 22-26, 27-30 ёшлилар ўртасида спортнинг миллий кураш ва валебол тури, “Заковат” интеллектуал ўйини, “Ёш китобхон” ва миллий ва замонавий чолғу асбоблари бўйича ўтказилди. Биринчи, яъни маҳалла босқичида 19654 на-



фар ёшлар иштирок этишди. Оммавий спорт мусобақаларининг биринчи кўчаларо босқичида 15 742 нафар (шундан 7159 нафари қизлар) ёшлар қатнашди.

Спорт мусобақалари якунлари бўйича 62 та маҳалла жомалари шакллантирилди. Мусобақа ва танловларнинг кейинги босқичларида 15675 нафар ёшлар иштирок этишди.

Ёшлар етакчилари лавозими жорий этилганидан буён ишларимиз янада ривожланмоқда.

Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилига тузаётган режалар, мақсадларимиз янада улкан. Агентлигимиз ҳар бир ёшнинг ҳаёти, ўқиши, турмуш тарзи, орзу-интилишларидан бохабар бўлиб туради. Уларнинг пухта



дунёвий билим, таълим-тарбия олиб, келажакда юксак интеллектуал салоҳиятли инсон бўлиб камол топишига эришамиз. Ёшларга тадбиркорлик ва бизнес сир-асрорларини пухта эгаллаб, жаҳонга чиқишлари ишонамиз. Бу ишлар, албатта, қўлимиздан келади. Чунки бизга мустақам қоядек таянч ва суянч бўлиб турган Президентимиз бор. Ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлаш туфайли йигит-қизларимиз ҳар соҳада улкан ютуқларни қўлга киритиб, жаҳонда ўз муносиб ўрнини топишига шак-шубҳа йўқ. Улар қаторида туманимиз ёшларининг ҳам бўлиши муқаррардир.

Б. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ёшлар ишлари агентлиги
туман бўлими раиси.

СУДЪЯЛАР МУСТАҚИЛЛИГИ ТАКОМИЛЛАШДИ

Президентимиз томонидан қабул қилинган “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон суд соҳасига оид устувор вазифалар жамиятда қонун ҳамда адолат устуворлигини таъминлаш орқали инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган, десак мақсадга мувофиқ бўлади.

Судларнинг мустақиллиги Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида” ги қонуни, 1-моддасида белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, судлар мустақиллигини таъминлашнинг аҳамиятини англаган ҳолда ташкилий ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришга оид қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, судья лавозимида бўлишнинг илк мартаба беш йиллик, кейин ўн йиллик муддатини ва шундан сўнг муддатсиз даврини белгилаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимлар-

га тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси негизда суд ҳокимияти органи сифатида Судьялар олий кенгаши ташкил қилиш, судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш механизминини, шу жумладан, унинг асосларини аниқлаштириш орқали такомиллаштириш ва суд раисларининг судьяларга нисбатан интизомий иш қўзғатишга оид ваколатини тугатиш, Ўзбекистон Республикаси Олий судига адлия органларининг умумюрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатларини ўтказиш каби янги тизимларнинг жорий қилиниши орқали сўнгги йилларда судьялар мустақиллигини амал-

га оширишни кафолатловчи механизм ишга туширилди.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган навбатдаги муҳим тадбирлардан бири – судьялар ҳамжамиятининг органи сифатида Судьялар олий кенгаши фаолиятини такомиллаштириш, таркибининг камида ярмини судьялар ҳисобидан шакллантириш ва унга суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга доир бир қатор ваколатлар берилиши назарда тутилгандир.

Мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири суд тизимини изчил демократлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги

тўғрисидаги конституциявий нормаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш ҳисобланади. Ўтган йиллар давомида суд ҳокимиятини мустақил тармоқ сифатида ташкил этиш, уни ўтмишдаги жазолаш органидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза ҳамда ишончли ҳимоя қилувчи давлатнинг чинакам мустақил институтига айлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Маълумки, мамлакатимизда охириги йилларда халқаро рейтинг ва индексдаги ўрнини ошириш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда. Нуфузли халқаро рейтинг ва индексларнинг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизимлари самарадорлиги бўйича тузиладиган индикаторларда барқарор ўсиш кузатилмоқда.

Барча давлат муассасалари суд ҳокимияти қарорларини ҳурмат қилиши ва уларга риоя этиши, суд ҳокимиятининг индивидуал мустақиллиги судьяларнинг бошқа давлат ва нодавлат тузилмалар ҳамда улар-

ФАРМОН ВА ИЖРО

нинг мансабдор шахсларидан, оддий фуқаролар, ҳаттоки, бир суд доирасидаги судьялар ёки юқори инстанция судьяларидан мустақиллигини англайди.

Судьяликка номзодларни тайинлаш бўйича ваколатли бўлган Судьялар олий кенгаши органи таркибида ижро ҳокимияти органлари вакиллари мавжуд. Бу эса мустақил судьяни тайинлашда халқаро стандартларга мос келмайди. Судьяликка номзодларни тайинлашда ижро ҳокимияти органлари вакилларининг қатнашмаслигини таъминлаш, судьяларнинг мустақил фаолият олиб боришлари учун ички таъсирлардан ҳам ҳимоя қилиниши, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этиш лозим.

Э. ИСМОИЛОВ,
ФИБ Ўзбекистон туманлараро суди раиси.

ХАБАРДОРМИСИЗ?

СОЛИҚДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қонуни билан 2024 йил 1 январдан кучга кирган Солиқ кодексининг 46 та моддасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Президентимизнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида бизнес юртишни соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш юзасидан белгилаб берилган топшириқлари, хусусан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ўзини ўзи банд қилган шахсларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш, қўшилган қиймат солиғи занжининг ўзлуксизлигини таъминлаш мақсадида солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

Қонунда қўйидаги ўзгаришлар назарда тутилган.

Камерал солиқ текширувида солиқ тўловчининг ҳудудига кириш, ҳудудини кўздан кечириш, ҳужжатларни талаб қилиш ва уни қақиртириш, ҳужжатлари ва буюмларини олиб қўйиш тақиқланди.

Юридик шахслар ва ЯТТларга камерал солиқ текшируви натижасида қўшимча ҳисобланган солиқларни 6 ой мобайнида тенг ўлушларда бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилди.

Солиқ мажбурияти бўйича

даъво қилиш муддати 5 йилдан 3 йилга қисқартирилди.

ЯТТлар учун қатъий белгиланган ЖШОДС ставкалари ўзгарди.

Мазкур ставкалар якка тартибдаги тадбиркорлар учун 2024 йил 1 февралдан кучга киради.

2024 йил январь ойида қатъий белгиланган миқдордаги даромад солиғи 2023 йилдаги ставкалар бўйича тўланади.

2024 йилдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг фаолияти натижасида олган даромадлари 100 млн. сўмдан ошганда, ошган кундан эътиборан якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартибда солиқ тўлашга ўтади.

Шунингдек, ҚҚС бўйича айрим имтиёзлар бекор қилинди.

2024 йил 1 апрелдан бошлаб тиббий хизматлар, ветеринария хизматлари, дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмлар савдо айланмаси ҚҚСга тортилади. Яъни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмлар, шунингдек, қонунчиликда белгиланган рўйхат бўйича олиб кириладиган хомашё ҚҚСга тортилади.

Бундан ташқари, 2024 йил 1 апрелдан:

- таркибида шакар ёки бошқа ширинлаштирувчи ёки хушбўйлаштирувчи моддалар бўлган, газланган ҳамда истеъмол қадоғига қадоқланган ичимликларга (энергетик ва тетиклаштирувчи ичимликлар бундан мустасно) — 1 литр учун 500 сўм;

- энергетик ва тетиклаштирувчи ичимликларга — 1 литр учун 2 000 сўм акциз солиғи жорий этилади.

Шу билан бирга, айланмадан олинган солиқни қатъий белгиланган суммада тўловчи солиқ тўловчилар учун солиқ ставкаси қўйидаги миқдорларда ўзгартирилди:

- жами даромади беш юз миллион сўмдан ошмаган солиқ тўловчилар учун — йилига 25 млн. сўм;

- жами даромади беш юз миллион сўмдан юқори бўлган солиқ тўловчилар учун — йилига 34 млн. сўм.

Таъкидлаш жоиз, айни кунларда инспекциямиз ходимлари томонидан тадбиркорлар билан турли очиқ мулоқот ва учрашувлар ташкил этилмоқда. Тадбирларда мазкур янгилıklar мазмун-моҳияти тушунтирилмоқда. Шу билан бирга, уларни қийнаётган муаммолар ўрганилиб, ижобий ҳал этиш чоралари қўрилмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун муҳим бўлган қатор йўналишларни белгилаб олган ҳолда амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

2023 йил декабрь ойи давомида инспекциямиз томонидан 388 та тадбиркорлик субъектларини қийнаётган муаммолар ўрганилди. Мазкур жараён давомида кўмаклашиш зарур бўлган 11 та тадбиркорлик субъектларига дастлабки бухгалтериясини юритиш, қўлай солиқ режими танлаш, солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартиби тушунтирилди, ортиқча ҚҚС тўловларини қайтариш каби масалалар юзасидан амалий ёрдамлар берилди.

А. ТУРОВ,
туман солиқ
инспекцияси бошлиғи.

БОЖХОНА - ЮРТ ДАРБОЗАСИ



Кеча — 26 январь куні бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам Халқаро божхона куні муносиб нишонланди.

ТАРТИБОТЛАР СОДДАЛАШТИРИЛДИ

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг тартиботлари янада соддалаштирилиши мамлакат ташқи савдо балансига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Бу борада божхона постлари орқали ҳаракатланаётган товарлар ҳамда транспорт воситаларининг тез ва ягона тизим орқали назоратдан ҳамда расмийлаштирувдан ўтказилиши муҳим аҳамият касб этади.

Товарлар ҳамда транспорт воситаларини божхона чегаралари орқали тез ва сифатли назорат ва расмийлаштирувдан ўтказиш, шунингдек, назорат идораларининг ягона тизимдаги маълумотлар базасидан фойдаланишларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 декабрда “Товарларни божхона транзити божхона режимида жойлаштириш билан боғлиқ операцияларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ “Е-Transit” автоматлаштирилган ахборот тизими амалиётга жорий этилди. Ушбу дастур орқали чегара божхона постлари орқали ҳаракатланаётган товарлар ҳамда транспорт воситалари ягона дастур орқали назорат ҳамда расмийлаштирувдан ўтказилиши таъминланяпти. Бундан ташқари, автотранспорт воситаси чегара постига етиб келгунча қадар товарлар ва транспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар транзит декларация қўринишида тақдим этилмоқда.

Чегара божхона постларида хизмат олиб борувчи давлат назорат органлари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда транзит декларациясидаги маълумотлар асосида товарларни реал вақт режимида назорат қилиш йўлга қўйилди. Бунда, божхона постига етиб келмаган товар ва транспорт воситалари тўғрисида дастлабки маълумотларни текшириш ва таҳлил қилиш имконияти яратилди. Бунга қадар эса чегара божхона постига етиб келгандан сўнг товарлар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар электрон қўринишда тақдим этилар эди.

Чегара божхона постларида тўлаши лозим бўлган барча тўловлар транзит декларация асосида ягона инвойс асосида ўндирилиши ҳам йўлга қўйилди. Эски тартибга қўра, тўлаши лозим бўлган тўловлар тегишли хизматлар томонидан алоҳида ўндирилган.

Товарлар ҳамда транспорт воситалари чегара божхона постига кириб келиши билан бир вақтда бир нечта назорат шакллари рақамлаштирилган тарзда амалга оширилади. Шундан сўнг божхона постининг автотранспорт воситаларини кўздан кечириш майдонида автотранспорт воситаси ҳамда унга ортилган юклар божхона ходими томонидан кўздан кечирилади. Кейинги босқичда инспекцион кўрик мажмуаси орқали товарлар ҳамда транспорт воситаси божхона кўригидан ўтказилади. Юк кузатув ҳужжатларида қайд

этилган товарлар ҳамда инспекцион кўрик мажмуасида акс этган тасвирлар ўрганилади. Ўрганиш жараёнида транспорт воситасининг юкхонасига ҳамда унинг бўлмаларига ҳужжатларда кўрсатилмаган товар-моддий бойликларнинг яширилмаганлиги кўздан кечирилади. Божхона кўриги натижалари акс этган маълумотлар планшет орқали шу жойнинг ўзида “Е-Transit” автоматлаштирилган ахборот тизими базасига электрон шаклда киритилади. Божхона кўриги туғатилган, юк кузатув ҳужжатлари асосида товар ва транспорт воситаси “Е-Transit” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали манзил ташқи иқтисодий фаолият божхона постига йўналтиришга қаратилган божхона расмийлаштируви амалга оширилади.

Божхона чегараси орқали олиб кирилган назорат остидаги товарлар ортилган транспорт воситалари божхона омбори ҳудудига етказилади. Товарлар божхона омборига етказилган, омбор эгаси ёки унинг ваколатли шахси томонидан транспорт воситаларига қўйилган маҳсуслар ҳамда товарларнинг кузатув ҳужжатлари ҳамда товарни етказиб бериш назорат ҳужжатида кўрсатилган маълумотлар асосида кўздан кечирилади. Божхона омбори эгаси ёки унинг ваколатли шахси томонидан транспорт воситалари етиб келганлигини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги 122-сонли фармонида асосан амалиётга жорий этилган “Божхона ва юк операциялари” автоматлашган ахборот тизимида белги қўйиш орқали тасдиқлайди. Бу жараён ушбу дастур орқали божхона органида ҳам транспорт воситалари “жараёнда” мақомида, яъни омборга қабул қилинганлиги электрон қўринади. Агар омбор эгасига божхона органи томонидан “рухсат” муносабати билдирилса, божхона ходими иштирокисиз юкни қабул қилиш мумкин бўлади. Божхона органи томонидан “назорат” муносабати билдирилса, юк операцияларида божхона ходими иштирок этиб, унинг иштирокисиз юкни транспорт воситасидан тушириш тақиқланади.

“Божхона ва юк операциялари” ахборот тизими нафақат божхона ва омбор ходимларига, балки тадбиркорлик субъектларига ҳам хизмат қилади. Мазкур автоматлашган ахборот тизимининг амалиётга жорий этилиши натижасида ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг қимматли вақтлари тежалиб ортиқча оворагарчиликлар барта-раф этиляпти. Бундан ташқари, эндиликда хавф даражаси кам бўлган товарлар ортилган транспорт воситаларининг божхона ходими иштирокисиз ҳам омборга туширишга рухсат этилиши транспорт воситасининг ортиқча кутиш учун тўланадиган харажатларнинг иқтисод қилинишига эришилди.

Ф. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
“Андархон” чегара божхона
пости бошлиғи.

ИНСОН ҚАДРИ

АРАВАЧАЛАР БЕРИЛДИ



Республикамиз бўйлаб ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида электрон ногиронлик аравачалари етказиб берилмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан муҳтож инсонларга “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази орқали белгиланган навбат асосида аравачалар берилмоқда. Бахмал, Қият-Сартол, Нурафшон, Андархон, Юқори Зарқайнар, Дўстлик, Бешкапа маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган кишиларнинг хонадонларига ушбу аравачалар олиб бориб берилди.

Улар Президентимиз яратиб бераётган имконияتلардан мамнун бўлиб, дуога қўл очдилар.

СУРАТДА: электрон аравача топшириш пайти.

БАНДЛИК

ХОРИЖГА ЭКСПОРТ

Намуна маҳалла фуқаролари йиғини биносида тикувчилик фаолияти йўлга қўйилган. Маҳаллада тикувчилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар сони кундан-кунга ортмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Хотин-қизлар бандлигини ошириш

ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ҳудудда касаначиликни ривожлантириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва банд бўлмаган хо-

тин-қизлар сонини қисқартириш мақсадида ташкил этилган тикувчилик кичик корхонасида 2023 йилнинг ноябрь ойида 17 нафар аёллар ўз иш фаолиятини бошлаган эди. Айни кунда уларнинг сони 30 нафарга етди.

Бу ерда тикувчи аёллар томонидан тикилаётган маҳсулотлар Россия, Қозоғистон ва Тожикистон давлатларига экспорт қилинаётгани қувонарлидир.

Туман ҳокимлиги
ахборот хизмати.

БУ КИТОБНИ ЎҚИНГ

КУСТО ОРОЛИДА 10 КУН


Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида М. Обидовнинг "Кусто оролида 10 кун" асари тақдироти бўлиб ўтди. Таниқли адиб ва адабиётшунослар, китобхонлар иштирокида ўтган тақдирот маросимида "Кусто оролида 10 кун" саргузашт қиссасига ижобий фикрлар билдирилди. Саргузашт жанридаги асарлар қаторига янги бир – реал воқеаларга асосланган қисса қўшилганлиги алоҳида таъкидланди.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Муҳаммаджон Обидовнинг "Кусто оролида 10 кун" саргузашт қиссасига журналистнинг реал ҳаётда бошидан кечирган воқеаликлар асос қилиб олинган. Ёзувчи асарда драматик ҳолатлар яратди ва улар орқали бир неча минг йиллар

аввалги ҳаёт тарзини кечираётган ороликларга бугунги замондош кўзи билан боқди.

Қиссани ўқир экансиз, меҳроқибат, вафо, одамгарчилик каби инсоний туйғулар вақт билмаслигини, улар ер юзида ҳаёт пайдо бўлганидан то қиёматгача абадий давом этишига иқрор



бўласиз. Таржимон – "Ҳасан" ва сайёҳ – "Хусан" ўртасида қарор топган дўстлик, қабила бошлиғининг қизи "Гўзал" ва сайёҳ – журналист Сарвар қалбида ниш ура бошлаган меҳр ҳам замон чегарасини билмас туйғулари. "Кусто оролида 10 кун" саргузашт қиссаси китобхонларнинг сеvimли асарлари қаторидан жой олади, деб ишонамиз.

"Кусто оролида 10 кун" асарини сиз ҳам, албатта, ўқинг. Китоб кирилл ва латин алифбосида чоп этилган.

С. ТЕМИРОВ.

СУРАТДА: тақдирот тадбиридан лавҳа.

ИСТЕЪМОЛЧИЛИК ЛОЙИХАСИ

Туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти томонидан туман тиббиёт бирлашмасида «Соғлиғинг ўз қўлингда» лойиҳаси доирасида тадбир ташкил этилди.

СОҒЛИҒИНГ ЎЗ ҚЎЛИНГДА



Тадбирда ижтимоий шерикчилик асосида ҳамкор ташкилотлар билан туманда тиббий соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар режалари ҳақида маълумот ва ахборотлар берилди. Мазкур тадбирларга ҳар бир сектордаги мавжуд оилавий ши-

фокорлик пунктлари ва поликлиникаларда хизмат кўрсатаётган тиббиёт ходимлари ва мутахассисларни жалб қилиш орқали аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини тарғиб қилиш, тиббий маданиятни ошириш, репродуктив саломатлиқни

мустаҳкамлаш, юқумли касалликларга чалиниш ҳолатларининг олдини олиш асосий мақсад эканлиги айтилди.

Истеъмолчилар учун қонун талаблари асосида содда ва тушунарли тилда яроқсиз, сифати паст маҳсулотлар харидидан ҳимояланишда ёрдам берувчи буклетлар, баннерлар, ахборот, эслатмалар ва тарқатма материалларини тайёрлаш, уларни етказиб бериш зарур. Олиб бориладиган ишларни ижтимоий тармоқларда, матбуотда ёритиш, келгусида бу борада тиббиёт ва манфаатдор ташкилотлар иштирокида давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этиш, уларни мундарида ва сифатли ўтказилишига эътиборни кучайтириш вазифалари келишиб олинди.

Шунингдек, тадбир давомида жамият томонидан грант тадбирлар лойиҳаси доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан тиббий хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган 22 047 000 сўмлик тиббий асбоб-ускуналар - бўй ўлчагич, болаларда учрайдиган юқори нафас йўллари касалликларини даволаш учун инголятор, электрон рақамли вазн ўлчагич, фонендоскоп-танометр, қондаги қанд миқдорини ўлчагич (глюкометр)лар оилавий шифокорлик пунктлари ва поликлиникаларга топширилди.

Б. ЖЎРАЕВ,
туман ИХХҚ жамияти мутахассиси.

ОЛОВ – ТИЛСИЗ ЁВ

Ҳозирги кунда одамлар "101" рақамли телефон хизмати нимадан иборат эканлигини яхши билади. Бу яхши, лекин...

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билиш ва унга беvosита амал қилиш ҳамманинг бурчи эканлигини ҳам асло унутмаслигимиз керак. Негаки, сал эътиборсизлик оқибатида содир бўлган кичик ёнғин ҳам жамиятга, ои-

лаларимиз бутлигига, инсонлар саломатлиги ва ҳаётига катта зарар келтириши мумкин.

Туманда амалга оширилаётган ишлар ва кўрилатган чора-тадбирларга қарамасдан ёнғинлар келиб чиқмоқда. Чекиб ташланган сигарета қолдиғидан катта ёнғин келиб чиқишини айримлар тан олмайди. Лекин, шунини билиш керакки, чекиб турилган сигарет чўғининг максимал ҳарорати

300-400 даражага чиқади. Демак, ўчирилмаган сигарет қолдиғи тез алангаланувчи мато, буюм, ёғочли ускуналар, рандаланган пол устига тушиб қолса, катта ёнғинга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам тақиқланган жойларда чекишга мутлақо йўл қўйманг. Бунинг устига спиртли ичимлик ичишга мойил айрим инсонлар тўшақда ҳам сигарета чекиб, ёнғин келиб чиқишига, ҳаттоки,

кўйиб, тан жароҳати олишигача бориб етмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ҳеч қачон бефарқлик, масъулиятсизлик билан қарамаслик керак. Шу ўринда бутун республикада ҳаммани хавотирга солаётган яна бир муҳим муаммо бор, бу – ис газини (кўринмас қотил). Одам организмига нафас йўли орқали кирган газ инсонни фалаж қолга олиб кела-

ди. Ёнғин ачинарлиси, ис газидан заҳарланишнинг оқибати ўлим билан якун топпоқда. Шундай экан, корхона, ташкилот раҳбарлари ва барча фуқаролар шундай эътиборсизликнинг олдини олишда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига яқиндан ёрдам беришлари лозим. Токи, оилалар, давлат мулки, инсонлар ҳаёти ёнғин, ис газидан заҳарланиш ва газ-ҳаво аралашмасининг чақнаши хавфидан ҳоли бўлсин.

О. БОЙМУРОДОВ,
туман ФВБ бошлиғи.

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Қизамиқ болалар ҳаво томчи инфекциялари ичида кўплат мамлакатларда учрайдиган касаллик ҳисобланади. Жаҳонда ҳар йили қизамиқ билан 60 млн. одам касалланади, улардан 3 млн. нафари вафот этиши кузатилади.

ҚИЗАМИҚ КАСАЛЛИГИ

Касаллик манбаи – бемор одам, айниқса, катарал даврда максимал даражада вирус ажратади ва энг юқумли ҳисобланади. Тошма тошиш даврида юқумлилиги камаяди. Бемор касалликнинг 6-7 кунига қадар юқумли, деб ҳисобланади. Агар асоратлар қўшилса, юқумлилиги даври ўн кунгача давом этади.

Касаллик ҳаво томчи орқали юқади. Қизамиқ билан орттирилган иммунитет бўлмаганларнинг барчаси касалланади.

Онадан болага туғма иммунитет ўтиш сабабли 6 ойгача бўлган болалар қизамиқ билан касалланмайди. У киши инфекция ҳисобланади. Шунинг учун, асосан, қиш ва баҳорда кузатилади.

Қизамиқ учта кўринишда фарқланади: продромал, тошмали, пигментация. Бошланиш - катарал давр 3–4 кун давом этади, тана ҳароратининг 38,5-39 С.гача кўтарилиши, интоксикация ва катарал симптомлари пайдо бўлиши билан бошланади. Беморда тез-тез аксириш, бурундан кўп суюқлик ажралиши, овоз бўғилиши ва қуруқ йўтал кузатилади. Ёруғликдан кўзлари ачишади, ёшланади, қизариб кетади, қовоқлари шишиб, бўртиб туради. Умумий аҳволи кескин ўзгаради, бола бевозта, инжиқ, ёмон ўхлайди, ланж, иштаҳаси сусаяди. Дастлаб ичи суйилади, қоринда оғриқ пайдо бўлади.

Жуда оғир ҳолатларда касалликнинг биринчи кунларидан бошлаб умумий интоксикация белгилари кескин намоён бўлади. Талваса ва ҳушидан кетиши кузатилиши мумкин.

Қизамиқнинг катарал даври учун юмшоқ ва қаттиқ танглайда майда пушти-қизил доғлар кўринишида энантемалар пайдо бўлиши характерлидир. Улар терига тошма тошгунча 1-2 кун давомида аниқланади. Баъзан терида нуқтасимон, скарлатинасимон ёки уртикар тошма пайдо бўлиши мумкин. Продромал тошма, асосан, кам ва суст намоён бўлади. Қизамиқ тошмаси пайдо бўлгач, касаллик авж олади. Тошма тошиш даври касалликнинг 4-5 кунидан бошланади ва доғли-папулез тошмалар пайдо бўлиши билан характерланади. Тошма дастлаб қулоқ орқасида, бурунда

майда пушти доғлар шаклида пайдо бўлади. Тезда ўлчамлари катталашади, бир-бири билан баъзан қўшилади. Тошма элементлари миқдори жуда тез кўпаяди. Биринчи сутка охирида бутун юз ва бўйинни қоплайди, кўкрак ва тана юқори қисмида алоҳида шаклда бўлади. Иккинчи суткада бутун танани ва қўлнинг юқори қисмини тошма қоплайди, учинчи кунда оёқ ва қўللarga тарқалади.

Тирик қизамиқ вакцинаси билан эмланганлар қонидан анти-телалар ҳосил бўлади. Бўлмаган бўлса, уларда дарднинг барча хусусиятларини сақлаган ҳолда типик кечади.

Касалланганлар тошма тоша бошлагач, камида 4 кун, зотилжам билан асоратланганлар 10 кун муддатга алоҳидаланади. Бемор ва у билан мулоқотда бўлганлар 17 кун давомида болалар муассасаларига қўйилмайди, профилактик мақсадда иммуноглобулин олганлар учун бу муддат 21 кунга чўзилади.

Пассив профилактика учун одам қонидан тайёрланган иммуноглобулиндан фойдаланилади. У қизамиқли беморлар билан мулоқотда бўлган, вакцинация билан эмлашга қарши кўрсатма ҳисобланган ёки эмлаш ёшига етмаган болаларга шошилиш профилактика учун юборилади. Иммуноглобулин дозаси 3 мл. Мулоқотдан кейин 5 кун ичида иммуноглобулинни юбориш энг кўп профилактик натижа беради. Актив иммунизация тирик қизамиқ вакцинаси ёрдамида ўтказилади. Мойил бўлган болаларга бу вакцинанинг юборилиши иммунологик жавоб реакцияси, яъни 95-98 фоиз эмланган болаларда махсус антителалар пайдо бўлиши билан намоён бўлади.

А. ҲАСАНОВ,
туман СЭО ва ЖСБ
эпидемиология
бўлими мудири.
Ф. ЮЛДАШЕВ,
жамоатчилик билан ишлаш
бўлими мудири.

MUASSIS:
BESHARIQ TUMANI
HOKIMLIGI

Tuman hokimligining rasmiy veb-sayti www.beshariq.uz

ISSN 2010-8303



Bosh muharrir
Sobirjon TEMIROV

Mas'ul navbatchi
Rahimjon MIRZAULOV

Sahifalovchi
R. RAZZOQOV

Tahririyat manzili:
150301. Beshariq shahri,
Cho'ipon ko'chasi, 22-uy.

beshariqtongi12@uamail.uz

Telefonlar:

Muharrir: (73) 612-14-12
Hisobchi: (73) 612-14-13

Gazeta tahririyat komp'yuterida
terilib, sahifalandi va «Andijon
nashriyot-matbaa» MChJ
bosmaxonasida ofset usulida chop
etiladi.

Bosmaxona manzili: Andijon
shahri, Navoiy shohko'chasi, 71-uy.
Nashr ko'rsatkichi - 7577.

Gazeta O'zbekiston Respublika-si
Matbuot va axborot agentligining
Farg'ona viloyat hududiy boshqar-masida 9. 01. 2007 yilda 12-021 raqami
bilan ro'yxatga olingan.

Bichimi: A-3. Adadi 4585

Buyurtma:

Topshirish vaqti: 14.00

Topshirildi: 15:00